

Кун ҳикмати
 Кимки бир кўнгли
 бузғунинг хотирин
 шод айлағай,
 Онча борким,
 Каъба вайрон бўлса,
 обод айлағай.
 Алишер Навоий

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил
 5 октябрь
 сешанба
 № 125
 (4565)



Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов жорий йил 4-5 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.




2021 йил 14-20 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти сайловида мuddатидан олдин овоз бериш ўтказилди. Бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси хабар берди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда тегишли мажлис баёнига асосан «Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос эзгу фазилат» ёқиси остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Кексалар ҳафталиги» ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда меҳнатни меъёрлаш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 30 сентябрдаги «Касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгилаб қўйилди.



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 3 октябрь кунини Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уенди Шерман билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов ҳамда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) вице-президенти Шиксин Чен ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Тошкентда Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов ҳамда «Rothschild & Co» кузатув кенгаши раисининг ўринбосари барон Эрик де Ротшильд ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.



Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (АЭХА) саратонни даволаш ҳаракат дастури (imPACT mission) доирасида Ўзбекистонга комплекс миссия юборишни режалаштирмоқда, деб хабар берди «Дунё».

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон энгил атлетика федерацияси стадионида 2002-2003 йилларда туғилганлар ўртасида Урта Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Қозон шаҳрида ўтказилган самбо бўйича Татаристон Республикаси Президенти кубоғи мусобақасида спортчиларимиз учта медални қўлга киритди.

Президентга мактуб

ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСИНГИЗ БАХТИМИЗГА САБАБ БЎЛДИ



Ассалому алайкум, азиз Юртбошим!

Сизга Деҳқонobod тумани «Ўзбекистон» маҳалласидан мактуб йўллаяпман.

Мен ҳаётда жуда кўп қийинчиликлар кўрдим. Оиламиз билан 18 йилда 29 та ижара уйда яшабмиз. Шу даврда кўч-кўчлардан шу қадар безор бўлдимки, бошқа жойга ўтиш ҳақида ўйласам, ҳозир ҳам юрагим безовталаниб, бошимга оғриқ киради.

Уй эгасининг қовоғига қараб яшаш инсонни эзиб қўяр экан. Камбағалликдан бир ўқинсак, ижара пулини тўлай олмаган вақтларимиз бошимизни кўтаролмай қолардик. Ҳатто ижара пулини беролмаганимиз учун кўчага ҳайдалган вақтларимиз ҳам бўлди.

Бироқ ойнанинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ эканлиги рост экан. Шу йил бошида маҳалла ва касаба уюшма фаоллари аҳволимизни ўрганиб, мени «Аёллар дафтари»га қайд этишди. Тикувчилик бўйича дарсларга қатнаб, сертификат олдим. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Деҳқонobodга келганида мен билан учрашди, дилдан суҳбатлашди, ҳол-аҳвол сўради. Рўзгорга нафи тегсин, ўзингизни ўзингиз банд қилинг, деб тикув машинаси совға қилди, яна қандай ёрдам керак бўлса, бемалол тортинмай сўрашимни айтди.

Муҳимини, давлат ғамхўрлиги остида бизга уй қуриб берилди. 29 та ижара уйга кўчган оиланинг овозгарчиликлари шу тариқа поёнига етди. Ун кун бўлди, янги уйга кўчиб ўтдик. Ун кунки, севинчим ичимга сиғмайди. Энди топганимизнинг ярмини

ижара пули сифатида кимларгадир тўламайдиган бўлдик. Энди топганимиз – ўзимизники.

Мен кўрган азобларнинг яна бири шуки, салкам йигирма йил фарзандсиз яшадик. 2018 йилда оҳимиз Яратганга етиб, ўғлимиз Умиджон туғилди. «Аёллар дафтари»га кирганим учун ўғлимга ҳам моддий ёрдам берилди. Насиб этса, ўғлимни олий ўқув юрларида ўқитмоқчимиз, Ватанига нафи тегадиган инсон қилиб воёга етказиш – энг катта орзумиз.

Ҳозир замонавий тикув машинасида буюртма асосида кўрпа-ёстиқ аёллар кийимларини тикияпман. Янги уй ёнидан ошона, тандирхона қурадим. Орттирсак, ўғлимизга тўй қиламиз. Битта тикиш хонаси, ёнида савдо дўкони билан қуришни ҳам режа қилиб қўйдик. Хуллас, орзуларимиз кўп. Уларнинг рўёбга чиқишига ишонаман.

Ҳурматли Юртбошим!

Менингни ота-онам йўқ. Аммо ҳаётда ота-онанинг далдаси қандай катта куч бўлишини Сиз бизга кўрсатдингиз. Кўчада қолган бир оилани бахтли-саодатли қилдингиз.

Тилагим, Янги Ўзбекистонни қуриш, миллионлаб оилаларга фаровон турмуш, шодлик улашишдек савоб ишларингизда Аллоҳ мададкор бўлсин!

Самимият билан,

Ойгул АЛЛАЁРОВА,
 Қашқадарё вилояти,
 Деҳқонobod тумани
 «Ўзбекистон» маҳалласида
 яшовчи қизингиз



Касаба уюшмалари фаолияти РАҚАМЛАРДА

«Аёллар дафтари»нинг самаралари

Жорий йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган 420 нафар аёлни касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштириш режалаштирилган эди. Шу кунга қадар улардан 300 нафари бу имкониятдан фойдаланди. Йил охирига қадар яна 120 нафар аёл тизимдаги санаторийларда соғлигини тиклайди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунни муносабати билан Миробод туманидаги 110-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида тадбир ўтказди.



Устозлар қадр топаётган юрт

«Устозлар қадр топган юрт» мавзусидаги тадбирни Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бўлини маси кенгаши раиси Абдуҳалил Раҳмонов очди.

Шу кунини Халқ таълими вазирилик ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўми-

тасининг тегишли қарори доирасида ташкил этилган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти лауреати» республика кўрик-танловида ғолиб бўлган тўрт нафар ўқитувчи пул мукофоти, шунингдек, ўн нафар мактаб директори ҳамда туман халқ таълими бўлими методистлари ўз

соғлиқларини тиклаш учун бепул йўлланмалар билан тақдирландилар.

Тадбирда иштирок этган барча ўқитувчи ва мураббийларига касаба ушмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Ҳулумжон МИРАҲМЕДОВ,
 «ISHONCH»

Спорт

ҒОЛИБЛИК НАШИДАСИ

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг спорт залида корхоналаро навбатдаги мини-футбол (футзал) мусобақасини ўтказди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда 16 та корхона 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда тўп сурди.

Мусобақа натижаларига кўра, саралаш турнирида биринчи ўринни эгаллаган «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ-1» филиали ва АТ «Алоқабанк» жамоалари ҳамда мазкур гуруҳларда иккинчи ўринни эгаллаган «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» ва «Alcom» сугурта компанияси «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» жамоаси республика босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Ўтиш турнирида «Ўзбектелеком» АК жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, келгуси йили саралаш турнирида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Саралаш ва ўтиш турнирида иштирок этган 24 та жамоага номинациялар бўйича тегишли дипломлар, жами 240 нафар иштирокчига ташкилий қўмита томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз



Эзгу ишлар бардавом



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши узоқ йиллар соҳада хизмат қилган меҳнат фахрийларини йўқлаш асосида уларга бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди.

– Биз, кекса авлодга берилаётган эътибор, ғамхўрликдан мамнунмиз, – дейди Қодир Ғофуров. – Айниқса, кўп йиллар хизматинг сингган ташкилот йўқласа, бошинг осмонга етар экан.

Тадбир доирасида мутасаддилар «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг 7-МЧЖ автобус саройида ҳам бўлишди. Корхона раҳбари сўзга чиқиб, ҳалол, фидокорона меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган бир қанча фахрийларни совға-салом билан тақдирлади.

Ўз мухбиримиз

Тошкент шаҳри

Эъзоз

Самарқанд вилояти

Таҳлил

МАВСУМ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгашида болаларни ёзги дам олдириш мавсуми якуни таҳлил этилди.

Пандемия туфайли юз берган танлаш-фуслар болаларни ёзги соғломлаштириш ишларига у қадар соя солмади. Аммо мавсум аввалида баъзи ҳомийлар бироз хотиржамликка берилгани кузатилди.

– Кўрилган тадбирлар боис дам олиш мавсуми ўз фурсатида бошланди, – деди мавсум муҳокамасига бағишланган тадбирда кенгаш раиси Сухроб Рафиқов. – Жорий йилда шаҳар ташқарисидagi 17 та оромгоҳда 7480 нафар, 56 та соғломлаштириш майдончасида 11503 нафар мактаб ўқувчилари бўш вақтларини мазмунли ўтказишди.

Касаба уюшмалари ва ҳомийлар кўмагида 367 нафар кам таъминланган, ижти-

моий кўмакка муҳтож оила фарзандлари, 60 нафар «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари бепул соғломлаштирилди. Болалар таътил кунларини мазмунли ўтказишлари учун 700 дан ортиқ маданий, 570 га яқин оммавий спорт тадбири ўтказилди. Эътироф этилганидек, дам олувчилар хавфсизлигини кафолатлаш, оромгоҳлардаги мавжуд шароитларни яхшилашга доир қатор ташаббуслар ўз самарасини берди.

Тадбир доирасида ўн етти номинацияда болаларнинг дам олишини мазмунли ташкил этишга ҳисса қўшган фидойилар рағбатлантирилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Касаба уюшма фаоллари

Қаҳрамон Ғафоров 1998 йилдан буён Қарши ихтисослаштирилган санъат мактаби (собик Қарши санъат коллежи)да касаба уюшма кўмитаси раиси бўлиб фаолият юритмоқда. Гарчи бу вазифани жамоатчилик асосида бажарса-да, ходимлар манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйгани ў самарасини бераётир.

Етакчи ибрати

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Айнан касабакўм етакчиси ташаббуси билан мактабда «Энг моҳир ижрочи» кўрик-танлови йўлга қўйилган. Унда устозлар шоғирдлари кўз ўнгида ўз маҳоратларини намойиш этишади. Пировардида, турли санъат йўналишлари бўйича уларнинг энг яхшилари аниқланиб, касаба уюшма кўмитасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

– Шу даргоҳда қарийб ўттиз йилдан буён фаррошлик қиламан, – дейди Ибодат опа Омонова. – Тез-тез раисдан маслаҳат сўраб тураман. Масалан, икки қизимни чиқардим. Тўй арафасида Қаҳрамон ака ҳар доимгидек ёрдамини аямасди. Пандемия даврида эса шахсан ўзи икки сумка турли озик-овқат маҳсулотларини уйимизга элтиб берди. Яқинда у қоровул, эшикбон, боғбон, фаррош каби 26 нафар техник ходим учун Самарқандга саёҳат уюштиришда бошқоқ бўлди. Биз қадимий ва навқирон шаҳарни зиёрат қилиб келдик. Мазмурият ва касаба уюшма кўмитаси аъзолари эса бизнинг ишминизни бажариб туришди. Бир-бирига қайишиш дегани шу бўлса керак-да!

Дарвоқе, касабакўм раисининг саяёҳаракати туфайли ҳар доимгидек бу йил ҳам мактабда «Саломатлик» спартакиадаси юқори савияда ўтказилди. Ғолиб ва совриндорлар, турли номинациялар бўйича энг яхши кўрсаткичга эришганлар кўмита томонидан муносиб тақдирланди. Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзи яхши йўлга қўйилгани сабабли муассасанинг мини футбол, волейбол, стол тенниси жамоалари шаҳар ва вилоят миқёсидagi спорт тадбирларида фаол қатнашмоқда.

Ғоҳида баъзи таълим даргоҳлари ўқитувчилар ўртасида дарс тақсимоти бўйича баҳс-мунозара ва низолар келиб чиқади. Қарши ихтисослаштирилган санъат мактабидagi дарс тақсимотида эса Қаҳрамон Ғафоров комиссия аъзоси сифатида иштирок этиб, шаффофликка жиддий эътибор қаратади. Натижада илғор журналистлар, шоғирдлари турли танловларда юқори кўрсаткичга эришган устозлар, мактабга янги ишга келган ёшлар – барча-барчаси салоҳиятига яраша дарс соатлари билан таъминланади.

МУАММОЛАР ИЛДИЗИ

– Шу ўринда мени уйлантирадиган бир масалани айтиб ўтишим жоиз, – дейди раис. – Амалдаги Меҳнат кодексига кўра, туғруқ таътилдаги аёл боласи 126 кунлик бўлганида ишга чиқиши мумкин. Мен бу муддатни камида бола бир ёшга киргунга қадар чўзишни таклиф этаман. Негаки, аёл болани туққиз ой қорнида олиб юрса-ю, у туғилганига тўрт ой бўлиши биланоқ ишга чиқиб кетса, бола она меҳрига ва сўтига тўямаслиги мумкин-да, ахир! Қолаверса, онаси ишда бўлган пайтларда у ҳар хил сунъий озуклар истеъмол қилади. Оқибатда она ва бола ўртасида меҳр ҳаминқадар бўлиб қолади. Меҳр-оқибатсиз одамдан эса яхшилик кутиб бўлмайди. Сўнги йилларда ёш эр-хотинлар ўр-



тасида ажримлар кўпайиб бораётгани, икки-уч нафар фарзандли оилалар осонгина ажрашиб кетаётгани ёки ота-онанинг хурматини жойига қўймаётгани, ҳатто уларнинг умрига зомин бўлаётган фарзандлар учраб туриши худди ўша бемехрликка бориб тақалади.

Яқинда туғруқ таътилдаги бир ходимимиз қабулимга келиб, гўдаги беш ойлик бўлганини, авваллари бир ярим ставкада ишлаганини, шу боис меҳнат фаолиятини давом эттириш ниятида эканлигини айтди. Энди ўзингиз холисона айтинг, бир ярим ставкада ишлайдиган аёл фарзанди учун қачон вақт ажратлади? У бошқаларнинг ўғил-қизларига дарс ўтишга, яна ўз дилбандига қарашга ва эртанги дарсларга ҳозирлик кўришга қандай қилиб улгурди?

Тиббиёт ходимларининг бир гапи бор: агар бола бир ёшга тўлгунча касал бўлмаса, кейин яхши ўсади. Акс ҳолда, нимжон ва хасталикка тез чалинувчан бўлиб қолади. Мен бунини ходимимизга айтиб, тушунтирдим. «Худо кўрсатмасин, ҳали она сўтига тўймаган боланг шамоллаб қолса-ю, бир ҳафта ишга чиқолмасанг, зимманга юклатилган дарсларни ўтолмайсан. Орадан бир ой ўтиб, ўғлинг такроран шамолласа, тагин ишдан қолсан. Қарабсанки, ўзинг билган-билмаган ҳолда, ўқувчиларингга жабр қилсан. Бундай вазиятда улар яхши билим ололмайдилар», дедим.

Хайриятки, ёш она гапларимни тўғри тушунди ва боласи бир ёшга киргандан сўнг ишга чиқишини айтиб, қайтиб кетди. Аммо баъзи аёллар кредитга машина ёки совутич олганини, қарзини вақтида узуси зарурлигини рўқча қилиб, эрта ишга чиқади. Улар бу билан мурғаккина фарзандига жабр қилаётганини билмайди ҳам. Қарабсанки, бола бир кунда беш марта ўрнига икки марта она сўтини эмади. Массаж ва эмлаш муолажаларини ҳам тўлиқ ололмайди. Модомки, шундай экан, у қанақасига соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етади?

БУ ТАКЛИФГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Қаҳрамон Ғафоров раҳбарлик қилаётган кўмита фаолияти анча сермазmun ва бошқалар ибрат олса арзигулик. Бу йил ходимларнинг 13 нафар фарзанди Мирзо Улуғбек номидagi оромгоҳда дам олдирилди. Йўлланманинг барча харажатлари касаба

уюшма кўмитаси ҳисобидан қопланди. Covid-19 билан оғриган ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ўн нафар фахрийнинг аҳволдан хабар олинди. Санаторийда ҳордиқ чиқариш ниятида бўлган ходимларга республиканинг энг яхши сўхатгоҳларига йўлланмалар берилди.

Энг муҳими, жамоа шартномасида белгиланган барча вазифалар бажаришмоқда. Шунга кўра, Қарши ихтисослаштирилган санъат мактаби яқинда бўлиб ўтган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб деб топилди. Қаҳрамон Ғафоров эса самарали меҳнатлари эвазига бир неча бор Маданият вазирлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

11 ноябрь – Ўзбекистонда касаба уюшма ходимлари кунин.

– Касб байрамимиз белгилангани жуда катта воқеа ва касаба уюшмасининг кенг кўламли ишларига берилган муносиб баҳо бўлди, – дейди у. – Ҳар бир ишда ташкилотчилик қилиш, ходимларнинг муносабатлари билан ишлаш, давлат ва жамият олдидagi масъулиятли вазифаларимизни сийқидилдан адо этиш биздан катта сарфбарлик талаб қилади. Шу боис мен бошланғич ташкилотлар етакчиларининг обрўси ва масъулиятини янада ошириш учун «Касаба уюшма фидокори» кўкрак нишонини таъсис этишни таклиф қилмоқчиман.

– Касаба уюшмаларининг «Ehtimom nishoni» бор-ку, – дейман мен Қаҳрамон акага саволомуз боқиб. – Масалан, уни қашқадарёликлардан Исоқ Аҳмедов, Яраш Норов, Абдураим Тўраев каби вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари олишган.

– «Касаба уюшма фидокори» деган ибората айнан фаолиятимиз мазмуни билмайди ҳам. Қарабсанки, «Касаба уюшма» сўзлари бор. Менимча, бу нишоннинг нуқти нуқти эмади. Массаж ва эмлаш муолажаларини ҳам тўлиқ ололмайди. Модомки, шундай экан, у қанақасига соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етади?

Бизнингча, Қаҳрамон Ғафоровнинг бу таклифи ҳақида атрофлича ўйлаб кўриш, маъкул топилса, инobatта олиш фойдадан холи бўлмайди.

Акmal АБДИЕВ, «ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси

Фарғона вилояти

Ўқув-семинар

Хорижий корхоналарда меҳнат шароитлари қандай?

«Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Jizzakh Petroleum», «Enter Engineering Pte Ltd», «ERIELL Oilfield Services Middle East DMCC», «Epsilon Development Company» МЧЖ хорижий қўшма корхоналари касаба уюшма кўмиталари раислари ва меҳнатни муҳофаза қилиш вақиллари учун амалий семинар ташкил этилди.



маси Республика кенгаши халқаро ишлар бўлими мудирини Собиржон Эгамбердиевнинг «Хавфсизлик маданияти» бўйича қилган маърузалари барчада катта қизиқиш уйғотди.

– Ушбу семинар ҳар томонлама фойдали бўлди, – дейди «Enter Engineering Pte Ltd» касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари, меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассис Завқиддин Саидов. – Қолаверса, завод касаба уюшмасининг фаолияти билан яқиндан танишиб, кўп нарсаларни қўллаш учун қайд этиб олдик.

Иштирокчилар заводда жамоа шартномасининг бажарилиши, меҳнат муҳофазаси бўйича қилган ишлар билан яқиндан танишишди. Уларга сертификат ва меҳнат қонунчилигига оид китоблар тўплами топширилди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари Наманган вилоятидаги «Мингбулок» қонида бўлиб, у ерда ишчи-ходимлар учун яратилган шароитлар, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

Саёҳат

КЎҲНА КЕНТ ХАЙРАТЛАРИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тахياتош тумани кенгаши томонидан Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкиллаштирилди.

Эътиборлиси, саёҳатчилар тасарруфдаги бошланғич ташкилотларда фаолият юритаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, ёрдамга муҳтож аёллар, ишлаётган пенсионерлар бўлди.

Улар тарихий обидаларни томоша қилиб, янгидан-янги бунёдкорликларни кўздан кечириб, бир олам таассуротлар билан ортга қайтишди.

Сайёра БЕКИМБЕТОВА, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тахياتош тумани кенгаши раиси

Сирдарё вилояти

Миннатдорлик

«ЯХШИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРДИК!»

Сирдарё вилоятида «Аёллар дафтари»га киритилган 30 нафар аёл касаба уюшмаси санаторийсига бепул йўлланма олди. Улар ҳозир «Янгиер» санаторийсига соғломлаштирилмоқда.

даволатамиз, дам олиб келасиз, дейишганида кўнглим осмон қадар ўсди, қадрим борлиги қадимни кўтарди. Мазмунли ҳордиқ чиқардик. Бунинг учун ташкилотчиларга ташаккур айтаман.

Айтиш керакки, бундан бир неча йил олдин бунёд этилган ушбу сўхатгоҳ самарали фаолият

олиб бораётир. Бу эса ҳаётбахш ташаббус самараси ўлароқ муаммоси бор аёлларга бепул йўлланма бериш, уларнинг саломатликларини тиклаш ғоясини муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



– Бир ўғил ва бир қиз фарзандим бор. Турмуш ўртоғим вафот этган. Ўғлим Гулистон университети талабаси, – дейди Гулистон тумани, «Аҳиллик» МФИда яшовчи Улдон Раҳмонова. – Сўхатгоҳга касаба уюшмаларининг бепул йўлланмаси билан келдим. Кўрсатилган эътибор, илқ муносабатдан миннатдорман.

– Оқолтин туманиданман, – дейди Муҳаббат Тўхтамишова. – 6 нафар фарзандим бор. Уларни вояга етказиб, элга қўшишининг ўзи бўлмас экан. Қанд қасали билан оғриганман. Сизни бепул



ЯНГИ ТАРТИБ КОРРУПЦИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ (МИ?)

Таҳлил, таққос ва таклиф

2015-2018 йилларда Олий таълим вазирлигига ҳар йили ўқишни кўчириш масаласида 1000 тадан 3000 тагача ариза тушган. 2019 йилдан бошлаб эса қўшни мамлакатлардаги олий ўқув юртларига ўқишга киришни «таъминловчи» турли хусусий фирмалар кўпайиши, айниқса, уларнинг бир йилдан сўнг тахсилни юртимиздаги олий таълим муассасаларига кафолатли кўчириб бериш ҳақидаги таклифлари ҳисобига бу рақам сезиларли даражада ошган...

ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

2021 йилда вазирликка 150 минг нафар йигит-қиз ўқишни кўчириш масаласида мурожаат қилган. Албатта, уларнинг орасида ўз юртимиздаги ўқув даргоҳини ўзгартирмоқчи бўлганлар ҳам бор. Аммо кўчириш борасидаги энг кўп аризалар катта фарқ билан – Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия ва кейинги ўринларда кам бўлса-да, Хитой ва Туркиядаги олий таълим даргоҳларида тахсил олаётганлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу эса юртимиз олий таълим тизими учун яхшигина ташвиш туғдиради. Чунки олий ўқув юртларимиз қўшимча талабаларнинг катта оқимини қамраб олишга моддий томондан – бино, жой ва янги ўқувчилар учун ойлик маош масаласида тайёр эмас (эътибор қилинг, бу йил юртимизда 180 минг атрофида ёшлар талабаларига қабул қилинган. Кейинчалик суперконтракт асосида уларнинг сони яна 20-30 минг нафарга ошиши мумкин. Хориждан кўчириш бўйича бу йилги аризалар сони салкам 100 мингташи ташкил қилапти. Ички кўчиришлар учун мурожаатлар сони эса 60 минг).

Узи шундоқ ҳам йил сайин квоталар сонининг ошиб бориши ҳисобига олий таълим муассасалари янги қабул қилган талабаларга зарур шарт-шароитни таъминлашни зўрба-зўр эплалпти. Аммо мурожаат қилаётган ёшлар – ўзимизнинг қорақул бўлса-чи? Уларнинг истакларига ҳам қулоқ тутиш керак-да ахир! Шу боис, вазиятга ечим топиш мақсадида кўчириш тартибига бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Янгилик шу бўлдики, кўчиришда олинмаган тест синовлари Олий таълим вазирлигидан Давлат тест марказига ўтказилди. Олий таълим вазирлиги тасарруфидаги ОТМларга кўчиришдаги



ў т и ш 66,1 деб белгиланди. зирлик ва ташкилотлар тасарруфидаги ОТМлар эса кўчириш балини ўзлари мустақил белгилади. Масалан, тиббиёт йўналиши учун 100 балл, юридик университетга кўчирмоқчи бўлганлар учун эса 105 балл асос қилиб олинди. Бундан ташқари, агар талаба белгиланган ўтиш балини тўплай олмаса, унга анъанавий абитуриентларга жорий этилган табақалаштирилган тизим асосида контракт тўловини тўлаб, кўчириш имконияти ҳам берилди. Аммо бунда ОТМ ўзининг ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда иш тутуши кўрсатилган. Яъни, агар ОТМнинг ички шароити талабани ўқитишга тайёр бўлмаса, ариза берувчининг талаби қондирилмаслиги ҳам мумкин.

ҲОЛАТ АЯНЧЛИ

– Август ойининг охири кунларида ўтказилган тестда хориждан ўқишни кўчириш истагида бўлган 98 мингдан ошқ талабгорнинг 92734 нафари иштирок этди, – дейди Олий таълим вазирлигининг бошқарма бошлиғи Абдували Холқов. – Уларнинг 30,1 фоизи белгиланган ўтиш бали ва ундан юқори балини қўлга киритди, қолганлари эса (65 минг нафардан ортиғи) бел-

гиланган ўтиш балини ҳам ололмади. Масалан, тиббиёт йўналишида 6163 нафар талабадан 8,8 фоизигина (545 нафар) белгиланган 100 баллик ўтиш балини тўплаган, холос. Ахборот технологиялари йўналишида эса 595 нафар талабгордан 6 нафаригина белгиланган 104 балдан юқори натижа кўрсатган. Бу бор-йўғи 1 фоиз демак. Натижалар таҳлили шунни кўрсатмоқдаки, билими суст ва ўқишга киришга пухта тайёрланмаган ёшларимиз «Бу йил четдаги университетга кириб олсам бўлди, кейинги йил Ўзбекистонга кўчириб оламан», деган илнжда Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон каби давлатларнинг олий ўқув юртларига ҳужжат топширмоқда. Суриштирувларга кўра, ўтган йили Қирғизистон олий ўқув юртларига 45,091 нафар юртдошимиз ўқишга кирган. Энг қизиғи, уларнинг 4,5 минг нафаригина бориб ўқиган, холос. Қолганлари эса, ўқишга киритиш билан шугулланувчи фирмаларга ҳужжат топшириб, шартнома тўловлари ва фирманинг хизмат харажатларини тўлаган, аммо ўқишга бормаган. Ваҳоланки, ўша ёшлар амалда қайсидир университет ёки институтнинг талабаси ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Олий таълим вазирлиги энгил-елпи фикрли ёшларнинг сони ошишига чек қўйиш, энгил-елпи йўллар билан талабаларга эришиш ҳолатларига барҳам бериш мақсадида бу йил ўтган йилларга нисбатан ўтиш балларини оширди ва келгусида яна ҳам кўтаришни қўзғалмоқда. Мақсад – билимли ёшларни кўпайтириш!

«ХАЛҚНИНГ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ҲАМ ЎЙЛАШ КЕРАК...»

Ўқишни кўчиришдаги янги тартибнинг табақалашган контракт тўлови билан боғлиқлик жиҳатида жамоатчилик ва ота-оналардан эътирозлар кўп бўлмоқда. Янги тартибга кўра, юртимиздаги хорижий ОТМ филиалларидан давлат ОТМга кўчиришда ўтиш балидан 4 балгача кам тўплаганлар базавий шартнома миқдорининг 3 баробаригача, қолган ҳолатларда эса 56-57 балгача етмаганда 15-20 баробар бир марталик тўлов тўланади. Бу тахминан 150-200 миллион сўмни ташкил этади.

Баъзида янги чиқаётган меъёрий ҳужжатлар билан танишиб, ҳайрон қоламан. Улар қандай йўл билан бўлса ҳам кўпроқ пул ундириш учун ишлаб чиқилгандек туюлади менга, – дейди юртдошларимиздан бири Шавкат Холмуродов. – Баъзан шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, тахсил давомиди талаба ўша соҳада ўз келажагини кўрмайди, ўзининг қизиққан йўналиши бошқа соҳа эканини тушуниб етди. Менинг фарзандимда ҳам шундай бўлди. У хорижий ОТМнинг Тошкентдаги филиалида энергетика йўналишида бир йил тахсил олгач, асли қизиқиши иқтисод эканини тушуниб етди. Ўзи билимни, тиришқоқ йигит. Ўқишни иқтисодиёт университетида кўчиришимиз учун 150 миллион сўм атрофида тўлов қилишимиз керак экан. Айтинг-чи, ишлайдиган ва ишламайдиган ота-оналар бу пулни қаердан олади? Масалангиз бу томонлари ҳисобга олинмагани ажаблантиради кишини. Менимча, ҳар қандай меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилаётганида,

«СУПЕРКОНТРАКТ» ТИЗИМИГА ҚАРШИМАН»

– Мен мутахассис сифатида анъанавий ўқишда ҳам, ўқишни кўчиришда ҳам «суперконтракт» тизими жорий этилишини ёқламайман. Дунё таърибасидан келиб чиқиб мушоҳада юритсак, биздан бошқа мамлакатда бундай тизим йўқлиги аён бўлади, – дейди олий таълим жонқуларларидан бири, Буюк Британияда тахсил олган Комил Жалилов. – Хорижда асосан кредит-модуль тизими йўлга қўйилгани боис, унинг замирида кўчириш масалалари ҳал бўлиб кетаверади. Масалан, талаба ўқишини бошқа университетга кўчирмоқчи бўлса, кредитларини епади ва ўқишни кўчирмоқчи бўлган университетга бориб, ўзининг ўқув даргоҳида ўқитилмаган фанларга тайёрланиб, имтиҳон топширади. Синовдан ўтса, ўқишни бемалол кўчираверади. Дунёнинг кредит-модуль тизимига ўтган кўплаб давлатларда дастлаб биология йўналишига ўқишга кириб, сўнг математика йўналишида давом эттириб, охирида ҳуқуқ йўналишига кўчириб, дипломи ҳуқуқ соҳаси бўйича олиш мумкин. Фақат шартли шуки, фарқли фанлардан тайёрланиб, имтиҳонлардан ўтиш керак.

– Мамлакатимизда ҳам кредит-модуль тизими жорий этилмоқда, аммо бу жуда секинлик билан борапти. Таклифим шуки, – дейди К.Жалилов, – тезроқ ва тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтиш, олий таълимни эркинлаштириш керак. Шундагина кўчириш масалалари ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ҳозир нега фарзандларимиз қўшни давлатларга бориб ўқимоқда? Ўзимизда қабул чеклангани боис. Хорижда университетлар эркин ва молиявий мустақил. Улар қабулда ўзларининг энг минимал балл ва бошқа талабларини қўяди, квота сонини белгиламайди. Талабга қараб таклиф ишлаб солинади. Қанча ёшлар талабга жавоб беролса, шунча ёшлар ўқишга қабул қилинади. Бу жараёнда олий ўқув юртлари бири-бири билан рақобатлашади. Ўз дастурларини ўзи яратди. Уларнинг сайтига кирсангиз, «Биз сизга мана бу фанларни ўқитамиз. Бошқа университетларда бундай имкониятга эга бўлмайсиз...», деган мазмундаги чорловларни кўрасиз. Абитуриент ҳам кузатиб, таққослаб, сўнг танлайди. Биз ҳам шундай тизимга ўтишимиз, олий таълимни эркинлаштириб, рақобатни кучайтиришимиз керак. Шундагина олий таълим сифати юксалиб, юқоридаги каби муаммолар ўз ечимини топади.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



Навоий вилояти

Навбахорлик шифокор Рамизжон Каримовнинг армонли ҳикоясини охиригача эшитишга тоқат қилолмадим. Давомини қоғозга ёзиб беринг, дейишга эса тилим бормади. Қоғоз-қаламларимни йиғиштириб, ҳовлига қикдим. Ичкарида шифокорлик қасамёдига содиқ қолиб, 39 ёшида хазон бўлган йигит чўқур-чўқур нафас олиб, нимадан-дир қаттиқ афсусланади. Шу кез мен ҳам ҳаётнинг бешафқатлигидан, баъзи замондошларимизнинг меҳр-оқибатсизлигидан афсусландим.

Косхийди, Рамизжонлар орамизда биттагина бўлса?! Ўтган йили биргина Навоий вилоятдан уч нафар шифокор ўз фаолияти давомиди коронавирус инфекциясини юқтириб олди. Уларнинг икки нафари бевақт оламдан ўтди. Ризқ-насибаси бор экан, Рамизжон тирик қолди. Аммо у ҳам ғамзада.

...Рамизжон Каримов 2020 йилнинг 20 мартда Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасининг юкумли касалликлар бўлимига бошлиқ бўлиб ишга ўтган эди. Худди шу пайтларда юртимизга коронавирус инфекцияси кириб келди. Тезкорлик билан Навоий вилояти юкумли касалликлар шифохонаси негизида махсус госпиталь ташкил қилиниб, беморлар қаттиқ карантинга олинди. Бошқа шифокорлар қатори Рамизжон Каримов ҳам 12 июль кунини мазкур госпиталга сафарбар қилинди.

Келинг, воқеанинг давомини Рамизжоннинг ўзидан эшитайлик.

«...Махсус госпиталга кунига ўнлаб инфекция юқтирганлар мурожаат қилишда ёки «тез ёрдам» касалликлар шифохонаси негизида суриштирамиз, суҳбатлашамиз, текширувдан кейин даволаниш бошлаймиз. Дастлабки 14 кунда беморлар кутилганидан ҳам кўпайиб кетди. Бизнес госпиталдаги хизмат муддатимиз тугаб (14 кун), аввалги иш жойимизга қайтишимиздан олдин Зарафшон шаҳрида тест топширдик. Ўзимиз ҳам карантинга олиндик. Ҳаммамиз соғлом эканлигимиз аниқлангач, уйимизга жавоб беришди.

Ҳар галликде эрталаб ишга келдим. 12 июль кунини мен ишлайдиган Навбахор тумани юкумли касалликлар шифохонаси ҳам коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар госпиталига айлантирилди. Қатъий карантин чекловлари жорий қилинди. Бу пайтда ушбу офатга қарши кураша оладиган, тажрибали шифокорлар деярли йўқ эди. Раҳбарларнинг

САДОҚАТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?



фикрларини инобатга олган ҳолда, мен яна 14 кун давомиди туманимиздаги махсус госпиталь ичиди ишлашга рози бўлдим. Чиққанимиздан сўнг, яъни 24 июль кунини худди аввалгисидек яна Зарафшон шаҳрида тест топширдик. Бу сафар, афсуски, менга вирус юққани аниқланди ва 26 июль кунини ўзим ишлаган шифохонага бемор сифатида ётқизилдим.

Менда илгаридан қандли диабет касаллиги бор эди. Шунинг учунми, жуда қийналдим. Аллоҳга шукр, шифокор дўстларим жиддий эътибор билан даволашди. 6 августда госпиталдан чиқаришди. Орадан икки кун ўтиб, уйда яна безовталандим. Шифохонага келдим. Қайта текширувлардан сўнг шифокорлар коронавирус туфайли ошқозон ости бези емирилиб бораётганини айтишди. Аниқроқ айтандиган бўлсам, ошқозон атрофи, ичкалар чирий бошлаган экан. 12 августдан 12 ноябрга қадар Навоий шаҳридаги шифохонада ётдим. Орада қорин бўшлиғимни икки марта очиб, катта операция қилишди. 40 кун давомиди фақат суяклик билан озиклантириб туришган, мен эса хуш-беҳуш яшайверганман. Атрофимда кимлар, нима қилапти, сезмаганман. Операциядан олдин вазним 100 килограммдан ортиқ эди. 22 ноябрга келиб, 52 килограммга тушиб қолди.

Энди тасаввур қилаётгандирсиз, дардни қандай кечирганимни? Одамзоднинг насибаси узилмаса, қарийб ярми йўқ бўлиб кетса ҳам жони узилмас экан...

Рамизжон Каримов уйига қайтгандан кейин ҳам узоқ вақт даволанди. Ҳаммасига чидади. Яхшиям, шифокорлик касбини танлаган экан, дўстлари, касбдошлари, жамоадoshiлари ёлғизлатиб қўйишмади. Ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлаб туришди. Бироқ Навбахор тумани тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг узоқ текширувларидан сўнг Рамизжон Каримов коронавирус инфекциясини туфайли меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган деб топилди. Хулоса ўрнида биринчи гуруҳ ногирони, шифокорлик қарорига келишди.

Аввалга ногиронлиги Рамизжоннинг оиласидан сир тутилди. Аммо «Касални яширсанг, истимаси ошқор қилади», деганларидек, Рамизжоннинг рафиқаси бундан хабар топди. Қўксига уриб, дод солиб йиғлади. Начора, ўзини ўққа-чўққа ургани билан не фойда? Бора-бора тақдирига тан берди.

Ҳаётнинг бешафқатлигини қарангки, коронавирус туфайли бир забардаст йигит 3 ой деганда соғлигидан, ишидан, оиласидан тўқисликдан, кўнглидаги хотиржамликдан айрилди.

Ҳали 40 ёшга ҳам тўлмаган турмуш ўртоғининг пешонасига ажин, вояга етмаган уч нафар фарзандининг чақнаб турган кўзларига мунг тушди.

2020 йилнинг 26 мартда Шавкат Мирзиёев томонидан «Коронавирус инфекциясини тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор имзоланган эди. Мазкур қарорга кўра, беморлар билан ишлаш жараёнида коронавирус инфекциясини юқтириб олган тиббиёт ходимларига тўланадиган бир марталик тўлов миқдори юз миллион сўм қилиб белгиланган. Карантин шароитида ишлаган минглаб шифокорлар белгиланган маблағ билан ўз вақтида таъминланди.

Аммо Рамизжон Каримовга келганда, қарор ижросига бевосита масъул бўлган раҳбарлар масъулиятсизлик қилишди, чоғи, Президент қароридида белгиланган бир марталик юз миллион сўмлик тўлов шифокорга берилмади. Навбахор туманида ташкил қилинган махсус госпиталда беморлар билан ишлаш жараёнида коронавирус инфекциясини юқтириб олганини ва бунинг оқибатида биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолганини ҳеч ким инобатга олмади.

Бундан ортиқ оқибатсизлик бўладими? Масъул идораларга, раҳбарларга қилинган барча мурожаатлар исиз кетди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борада ишни Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси зиммасига юклди. Бошқарма мутасаддилари томонидан Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасига топшириқ берилди. Бирлашма раҳбарлари эса «Бизда бундай катта маблағ йўқ», дея қутулди-қўйди.

Сансалорлик, лоқайдлик натижасида Рамизжон Каримов ва рафиқасининг умиди сўнди. Даволанишга бир чакаси қолмаган кунлар бўлди. Яхшиямки, эр-хотин вақтида янги қурилатган уйлاردан бирини олиш мақсадида дастлабки тўловни амалга ошириб қўйган экан. Иложсизликдан ўша тўланган маблағни қайтариб олди ва соғлигини тиклаш учун сарфлади.

Яқинда Рамизжоннинг турмуш ўртоғи эри учун тўланиши лозим бўлган маблағ масаласида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари билан яна бир бор учрашди.

Улар Президентнинг мазкур қарори шу йилнинг 1 июнидан ўз кучини йўқотганини рўқач қилиб, бу масалада судга ёки молия вазирлигига мурожаат қилишни маслаҳат беришди холос.

Тўғри, Президентнинг 2021 йил 5 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимидида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимлари соҳаиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги фармонида асосан юқорида таъкидланган қарор ўз кучини йўқотган. Бироқ шунинг эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, шифокор Рамизжон Каримов 2020 йилнинг август ойида коронавирус юқтириб олган. Ноябрь ойига қадар икки бор операция қилинган ва биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Бу пайтда Президентнинг юқорида тилга олинган қарори амалда бўлган. Шунини билга туриб, бурчида, Ватанига садоқат кўрсатганлар меҳнатларини ноҳолис баҳолаётганларнинг мудаоси нима эканини тушунамасан, кишини.

Ишонч ва умид – одамзодни ҳамиша яшашига, курашига ундаб, илҳомлантириб турувчи ҳаётбахш туйғу. Бугун фидойилиги, бурчи содиқлиги туфайли биринчи гуруҳ ногиронига айланиб қолган Рамизжон Каримов ҳамда унинг оиласи тушкунлик гирдобиди. Яқин қариндошларини, уч-тўрт нафар ишончли дўстларини ҳисобга олганда, атрофдагилардан садо чиқмаптир. Масъул идораларнинг бу борадаги масъулиятсизлиги ҳақида эса юқорида айтиб ўтдик.

Тўғриси, Рамизжон ўзига тўлаб берилмаган маблағ масаласида судга ҳам мурожаат қилиши мумкин эди. Аммо келажагини ўйлаб, ўзини тийди. Балки бутунлай соғайиб кетиб, яна аввалги ишига қайтадиган бўлса, вазирлик ёки бошқармадагилар «Сен бизни судга берган эдинг-ку...» дея таъна қилишларидан чўчиди.

Бизнингча, ҳали ёш қилинган кўчмаган. Орамизда оқибатли, виждонли кишилар кўп. Бу борада вазирликлар, бошқармалар, ҳокимиятлар ўз фикрларини айтишадиган, Рамизжон Каримов ва унинг оиласини беминнат қўллаб-қувватлашдан умидворимиз.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»





Орамиздаги одамлар

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР!

Ёхуд тадбиркорликдаги муваффақият нималарга боғлиқ?

Китоб – бойлик! Аммо сотиб олингани эмас, ўқилгани! Яхши асарни мутлола қилган киши ундан бир олам завоқ олади, маънавий олами бойийди. Демак, нодир асарларни ўқувчиларга етказиб бериш катта савобга дохил иш саналади. Бу борада айни кезларда asaxiy.uz интернет-дўкони ҳам муҳим ўрин тутари. Шу боис биз ушбу интернет-дўкони асосчиси Феруз АЛЛАЕВ билан китоб савдоси, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида суҳбатлашдик.

билим олса, қаердан ва ким бўлишидан қатъи назар, албатта, ўз орзусига етишар экан.

Шогирдларим йўқ. Чунки уларга кўшимча вақт ажратиш, иш ўргатиш ва билим беришга тўғри келади. Ҳозирча бизда бундай имконият йўқ. Асосан интернет орқали маиший техника ва электроника воситаларини сотамиз, шунингдек, сўнгги уч йил давомида китоблар савдосини ҳам ривожлантирдик.

– Бунга нима туртки бўлди?

– Мен Францияда ўқиганман. У ерда интернет савдоси жуда яхши йўлга қўйилган. Қолаверса, бу соҳа бутун дунёда ривожланган. Шунга кўра, бизнинг юртимизда ҳам албатта тараққий этади, деган умидда интернет орқали дастлаб электроника ва маиший техника воситалари сотувини бошлаганмиз. Кейинчалик юртимизда китоблар билан боғлиқ муаммо борлигини, янги асарлар кам чоп этилаётганини кўриб, нима учун китоб савдоси билан шуғулланмаслик керак, деган саволни ўз олдимизга кўндаланг қўйдик. Бора-бора шу лойиҳани ҳам амалга оширишга киришдик. Кўриб турганимиздек, ишимиз муваффақиятли кеча бошлади.

– Агар сир бўлмаса, айтинг-чи, келатган даромад сизни қониқтирадими?

– Бир ойлик умумий даромадими 100 миллион сўмдан ортади. Баъзида эса бир неча юз миллион сўмни ташкил этади.

– Фаолиятингиз давомида қандай қийинчиликларга дуч келгансиз?

– Бу соҳа Ўзбекистонда янги бўлгани учун кадрлар муаммоси бизни қийнаган. Ўзимиз ҳам ишни қандай қилиб ташкиллаштиришни билмаганмиз. Иккинчи муаммо эса инвестиция... Ҳозир ҳам ишимизни бундан-да ривожлантириш учун сармоялар етишмайди, доимий равишда пул қидириш билан оворамиз. Чунки ушбу тизим жуда катта, шунга яраша ўзгаришлар қилишимиз керак.

– Эришган натижаларингиз...

– Бу кўпчиликка маълум. 100 тадан зиёд иш ўрни яратдик. Интернет бозорига янги китоблар тақдим этишни бошладик. Бир неча янги дастур ишлаб

чиқиб, маҳсулотларни етказиб бериш муддатини жадаллаштирдик. Умуман олганда, интернет савдоси билан боғлиқ соҳада бирмунча ўзгаришлар қилдик, деб ўйлайман.

– Ўқувчиларингиз сафида зиёлилар кўпми ёки оддий халқ?

– Китоб турига қараб ўқувчиларимизни тоифалашимиз мумкин. Шу пайтгача биз таржима қилган китоблар ўзбек тилида йўқ эди. Бу нимани аниқлатади?.. Билим олишни истаган киши айнан мана шу ресурслар ўзбек тилида йўқлиги учун ўз тилида ўқий олмаган. Ҳозир бундай имконият пайдо бўлди. Хоҳлаган киши ўша китобларни олиб мутлола қилиши мумкин. Бинобарин, халққа танлов берилгани асосий ютуқларимиздан биридир.

– Китобхонлар қайси йўналишдаги китобларга қизиқаяпти?

– Бугунги кунда кўпроқ психология, мотивация йўналишидаги китобларга қизиқиш катта. Жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналари доимо ўқилган ва бундан кейин ҳам ўқилади. Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожланиб, ишбилармонлар кўпайгани сайтин бизнесга доир профессионал адабиётларга ҳам талаб ортиб бормоқда.

– Хорижда ўқиганингизнинг фойдасини нималарда кўрдигиз?

– Воқеаларга ташқаридан назар солиб, уни бутунлай бошқача ҳолатда кўриш, ўзгача дунёқарашда бўлиш мумкинлиги мен учун катта ютуқ бўлди.

– Тадбиркорликка қизиқувчиларга қандай маслаҳатлар бериасиз?

– Тадбиркорлик – менежерлик жамоани бошқариш эса муайян гофия амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорликнинг энг биринчи шарт, бу билим олишдир. Билим амалда қанча кўп қўлланилса, тажриба шунчалик ортади. Аслида, тадбиркорликдаги муваффақият тажрибанинг маҳсулидир. Унга эришиш учун жараёнларни кўпроқ кузатиш, воқеаларга ностандарт қараш, ҳар бир воқеадан фақат яхшилик мақсадида фойдаланиш учун ҳаракат қилиш лозим.

Суҳбатдош:
Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»



Урганчлик Гўлноза ҳозир 34 ёшда. Унга 2015 йили буйрак кўчириб ўтказилган. Бу амалиёт Ҳиндистонда амалга оширилган.

Жигарингизни беришга розимисиз?

– Ҳанда онам менга битта буйрагини берган эди, – дейди Гўлноза ҳазин уйларга толиб. – Операция учун 30 минг АҚШ доллари тўлаш мақсадида отам машинасини, онам тақинчоқларини сотган, етмаганига қариндошларимиздан қарз олгандик. Ҳозир яна гемодиализ қабул қиляпман. Яна буйрак кўчириш амалиётига муҳтожман. Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, бегона киши менга донор бўлолмайди. Яқинларимиз орасида эса битта буйрагини берадиганлар топилмади...

– Ҳанда онам менга битта буйрагини берган эди, – дейди Гўлноза ҳазин уйларга толиб. – Операция учун 30 минг АҚШ доллари тўлаш мақсадида отам машинасини, онам тақинчоқларини сотган, етмаганига қариндошларимиздан қарз олгандик. Ҳозир яна гемодиализ қабул қиляпман. Яна буйрак кўчириш амалиётига муҳтожман. Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, бегона киши менга донор бўлолмайди. Яқинларимиз орасида эса битта буйрагини берадиганлар топилмади...

Бироқ мамлакатимизда ушбу йўналишда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Жигар циррози касаллигига йўлққан 5000 дан зиёд беморнинг 500 нафари жигар трансплантациясига муҳтожлиги, шу пайтгача бундай амалиёт атиги 10 марта ўтказилгани фикримизни исботлайди.

Дунёда эса трансплантология торабор ривожланмоқда. Ҳатто инсоннинг кўли кўчириб ўтказилгани ҳақида маълумотлар бор. Ёки Беларусда баландликдан йиқилиб, бош миёси шикастланган саккиз ойлик бемор гемодиализ хизматида муҳтож. Мамлакатимизда буйрак ва жигар трансплантациясига рухсат берилгач, хоразмлик 61 нафар беморга буйрак кўчириб ўтказилган. Жорий йилда эса бу иш ilk бор вилоятнинг ўзиде амалга оширилди.


Узгалар буйраги ёки жигарига муҳтож беморлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам оз эмас. Сўнгги уч йил ичида 700 дан зиёд трансплантация амалиёти бажарилгани сўзимизнинг исботидир.

Трансплантация тиббиётининг энг сўнгги ютуқларидан бири сифатида дунёдаги минглаб инсонларга умид бағишламоқда. Маълумотларга кўра, жаҳонда ҳар йили 120 мингтага яқин тана аъзоларини кўчириш амалиёти амалга оширилади. Шундан тахминан 70300 та буйрак, 25 мингта жигар, 6200 та юрак, 4800 та ўпка, 2500 та ошқозон ости беши, 170 тадан зиёд ичак кўчириб ўтказилади. Бундай ҳолатлар АҚШда энг кўп кузатилади. Бултур ушбу мамлакатда 39 мингта трансплантация амалга оширилган.

Аслида, инсон тана аъзоларини кўчириш амалиёти йўлга қўйилганига салкам юз йил бўляпти. 1923 йилда АҚШда биринчи марта куйиш билан жараҳатланган фарзанда онасининг териси кўчириб «пайвандланган». 1933 йили дунёда ilk бор мурда буйрагини кўчириб ўтказиш амалиёти қўлланилган. Ўзбекистонда буйрак кўчириш тажрибаси дастлаб 1972 йилда амалга оширилган. Узоқ йиллар давомида шу усул воситасида кўплаб инсонлар соғлиги билан боғлиқ муаммолар бартараф этилган. Трансплантациядан кейин инсон умри 30-40 йил ва ундан ҳам узоқ муддатга узайгани маълум бўлган.

Зеро, 70-йилларда танасига бошқа одамнинг буйраги кўчириб ўтказилган инсонларнинг аксарияти ҳозир ҳам умргузаронлик қиляпти. Аммо ҳужукий асосга эга эмаслиги туфайли бу иш маълум муддат тўхтатилган. Бугунги кунда эса Вазирлар Маҳкамаси 2017 йили тасдиқланган вақтинчалик низом асосида жигар ва буйракни, сўяк кўмигини кўчириб ўтказишга ижозат берилган. Хорижда бундай амалиёт нархи ўртача 30-50 минг АҚШ доллари туришини ино-

Муҳаббат ТЎРАБОВА,
«ISHONCH»



Эҳтиёт шарт

Баъзи жойларда, газ тармоқлари ҳали борманган, муваққат қурилган иншоотларда суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланилади. Лекин иситишда, таом тайёрлашда қулайлик яратадиган ушбу воситалардан фойдаланиш тартибларини унутмаслик лозим.

Хусусан, суюлтирилган газ қурилмаси газ плитасидан каммида 0,5 метр, иситиш радиаторидан 1 метр узоқ масофада жойлашган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бундай қурилмаларни печ эшиклари қаршига қўйиш мумкин эмас. Яна бир эҳтиёт қаратиш лозим бўлган жиҳат шуки, ёқилган қурилмани қаровсиз қолдириш, уларга ёш болалар, қурилмадан фойдаланишда тажрибаси бўлмаган кишиларни яқинлаштирмаган маъқул. Агарда атрофда газ ҳиди бўлиб, бирон жойдан газ чиқатганини аниқлаш керак бўлса, бунда очиқ оловдан фойдаланиш хавfli эканлигини унутмаслик даркор. Бундай ҳолатларда совун кўпигидан фойдаланиш афзалроқ. Умуман олганда, суюлтирилган газ қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, эҳтиётли бўлиш истеъмолчининг бирламчи вазифасидир.

Ф.ЮЛДАШЕВ,
Х.ҲОШИМОВ,
Президент Администрацияси архив ва халқ қабулхонаси биналарида ЕХТТЭ бўлими асоси мутахассислари



Мен дардимни кимга айтаман?..


Данғаралик Вазираҳон Эргашева 2014 йил Қўқон давлат педагогика институтининг тарих йўналишини тамомлаб, Қўқон шаҳридаги Туризм ва сервис касб-ҳунар коллежига ўз мутахассислиги бўйича ишга кирган эди. Аммо 2017 йилда касб-ҳунар коллежлари тугатилгач, у иш қидиришга тушди. Турли идораларга бош суқди. Натижа бўлмади. Ҳали-қўлай дипломини сандикча Россия-ю, икки ярим яшар қизини ташлаб, турмуш ўртоғи билан Сосияга кетди.

Юзаки ечим

Бегона юртада 3 йил ишлаб, шу йилнинг баҳориде ортига қайтди. Яна ўз мутахассислиги бўйича иш излади. Даставвал Данғара тумани халқ таълими бўлимига, кейин туман аҳоли бандлиги кўмаклашиш марказига, ундан сўнг бошқа идораларга мурожаат қилди. Лекин, афсуски...

Чикмаган жондан умид, деганларидедай, Олий Мажлис Сенатининг Виртуал қабулхонаси орқали ишга жойлашиш масаласида ёрдам сўраб мурожаат йўлади. Бу масаланинг ижроси Данғара тумани аҳоли бандлиги кўмаклашиш марказига юклатилган шекилли, яқинда у ердан «икки энли» хат келди. Унда шундай дейилади: «Фуқаронинг мутахассислиги бўйича Данғара туманида иш йўқлиги учун тумандаги текстиль корхонасига ишга тақлиф этилди».

Олийгоҳни тамомлаган, мутахассислиги бўйича иш сўраган мурожаатчига мутлақо алоқаси йўқ ишнинг тақлиф этилиши кулги эмасми?! Агар у текстиль корхонасига ишлаш нияти бор бўлганда, бошини ҳам қилиб, турли идораларга бориб, иш сўраб борманган бўлган эди-ку!



Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабга уюмшаси Республика кенгаши жамоаси Тошкент шаҳридаги «Онникс-Миконд» заводи собик касабга уюмшаси раиси

Ҳасан МАЪРУФҲЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирилади.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОРОВ,
- Сайфулло АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Қутлимурот СОБИРОВ,
- Сухроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМАЗУЛОВ,
- Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
- Анвар ҚУЛМУРДОВ

(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳриддин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69

Хуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89

Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79

Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43

Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, таъқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:
- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
 - Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
 - Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
 - Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
 - Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28
 - Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
 - Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
 - Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
 - Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
 - Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
 - Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
 - Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
 - Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Ж. Наҳанов

Мусахфияч: Д. Худойберганава

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 18:50

Тошириш вақти – 19:10

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Ғ – 1006.

27517 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмажонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшновод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130